

Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

Кун
хати

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 9 июль • пайшанба • № 75 (4360)

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



КУН
НАФАСИ

Давлатимиз раҳбари 8 июль кун видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши бўйича Ишчи гуруҳнинг тўртинчи йиғилиши видеоконференция шаклида бўлиб ўтди.



Бош офиси Лондон шаҳрида жойлашган PPP Experts халқаро ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигини 2020 йилда дунёда самарали фаолият юритаётган энг илғор ташкилот, деб топди.



Ташқи ишлар вазирлиги ўринбосари Шерзод Асадов Бельгия Қироллиги Ташқи ишлар вазирлигининг икки томонлама масалалар бўйича бош директори Аник Ван Калстер билан видеоконференца-лоқа шаклида музокара ўтказди.

Мамлакатимиз делегациясининг Жанубий Кореяга ташири доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Сардор Умурзоқов Корея Республикаси Бош вазирлиги ўринбосари – иқтисодий ва молия вазирлиги Хонг Нам Ки, Корея Эксимбанки раиси Банг Мун-кю, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси спикери ўринбосари Ким Санг Хилар билан учрашди.



Мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси кўмағида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Ташкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбарияти ва Бангладешнинг «BUTEK» университети ректори Абул Ҳошим ўртасида видеоконференция шаклида музокара ўтказилди.



Бухоро Ешлар марказида ёшлар бандлиги кўмаклашувчи «Call center» ишга тушди.




Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан чекка ҳудудларда мамлакатимиз ривожланиши учун муҳим бўлган соҳаларга қизиқувчи ёшларга таълим беришга мўлжалланган «ТехноBus» технологик мобил таълим платформасига старт берилди.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

Касаба уюшмалари ҳамкорлигида

Марҳаматда янги корхона: 300 НАФАР аёл ишли бўлди



Марҳамат туманининг Миришкор маҳалласида «Касаба текстил ҳамкор» масъулияти чекланган жамиятига қарашли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси очилди. Яратилган 300 иш ўрнига ижтимоий шароити оғир ҳамда ишсиз хотин-қизлар жалб этилди.

зилди. Хориждан компьютерлаштирилган тикув машиналари олиб келинди.

– Кўп синовли кунларни бошдан ўтказдим, – дейди тикувчиликка қабул қилинган Нафиса Эргашева. – Гарчи чеварликдан хабарим бўлса-да, туманимизда трикотаж корхоналари деярли йўқлиги учун анча йиллар далага чиқиб, ғўза парвариши билан шуғулландим. Нолимайман-ку, лекин эрта баҳордан то кеч кузгача даладан бери келмай ишлаганимиз эвазига пахта теримидан сўнг ғўзапоя олардик. Тирикчиликнинг асосий манбаи ғўзапоя сотиб топилган даромад эди, холос. Шу сабаб бир мuddат болаларни қариндошларга ташлаб, турмуш ўртоғим билан Россияда ишлаб ҳам келдик. Аммо фарзандларингдан узоқ кетгач, ҳаловат бўладими кишида? Маҳалламизда ташкил этилган трикотаж корхонасига ишлаш учун таклиф тушганида, ана шулар хаёлим-

Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари вакилларидан иборат республика ишчи гуруҳи йил бошидан буён ҳудудларда уйма-уй юриб, эҳтиёжманд оилалар ҳамда аёлларнинг муаммолари билан яқиндан

танишганидан жамоатчилик хабардор, албатта. Марҳамат туманида ҳам айна ўрганишлар якунидан сўнг бир қатор оилаларга манзилли ёрдам кўрсатилиб, ҳудудда хотин-қизларни доимий банд этувчи корхоналарга катта эҳтиёж бор, деган тўхтама келинган эди.

Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ хусусий тадбиркор Қувончбек Ҳайдаров билан касаба уюшмалари тенг шерикчилигида «Касаба текстил ҳамкор» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Корхона учун замонавий бино қуриб битка-

Саҳифаларда...

Бепарволик касри



2


Гаджетлар ажин сабабчиси(ми?)



3

Илм учун жаҳд-у жадал

ёхуд халқчил сиёсатнинг устувор йўналишлари



4

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



ҚАТЪИЙ КАРАНТИН чекловлари қайтмоқда

Республика махсус комиссияси қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 10 июлидан 1 августга қадар республика миқёсида карантин чекловларини жорий этилди.

Асосий талаблар:

- автотранспорт воситаларининг ҳаракати чекланди;
- давлат органлари ва ташкилотларининг асосий иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат таътилига чиқарилиши, қолган қисмининг меҳнат фаолиятини максимал даражада масофадан туриб (онлайн ёки дистанцион тарзда) ташкил этилиши белгиланди;
- давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарда йиғилишлар ўтказиш тақиқланди, зарур ҳолларда йиғилишларни видеоконференца-лоқа режимда ўтказилади;
- ҳудудлар ўртасида автотранспорт воситалари қатнови тақиқланди (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ташкилотларга тегишли хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларининг ҳа-

ракати бундан мустасно);

- томоша, маданий-кўнгилочар ва бошқа оммавий тадбир, шунингдек, тўй ҳамда бошқа оилавий маросимларни ўтказиш тақиқланди;
 - 65 ёшдан ошган шахсларнинг жамоат жойларида уч кишидан ортиқ бўлиб ҳаракатланиши чекланди.
- Қандай объектлар фаолияти тўхтатилади?**
- Парклар ва истироҳат боғлари;
 - буюм бозорлари ва буюмлар савдоси билан шуғулланувчи йирик дўконлар;
 - спорт заллари, фитнес клуб, тренажер ва бас-сейнлар;
 - мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув курслари ва ҳар қандай тўғарақлар;
 - умумий овқатланиш объектлари (етказиб бериш хизмати бундан мустасно);
 - санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмон уйлари, пляжлар ва бошқа дам олиш масканлари.
- Нималарга рухсат берилади?**
- Саноат ва йирик қурилиш объектлари фа-

олиятини давом эттиришига қатор шартлар асосида рухсат берилмоқда. Улар ҳудуди тўлиқ карантинга олинади, санитария ва гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этилиши таъминланади.

Кимлар уй шароитида даволанади?

Бундан буён коронавирус инфекциясини юқтириб олган беморлар билан алоқада бўлган шахслар уй шароитида карантинда сақланади. Карантинда сақлаш мuddати 14 кундан 10 кунга қисқартирилади ҳамда шу мuddатда коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича тест натижаси манфий бўлган тақдирда карантиндан чиқарилади.

Уй шароитида даволанаётган беморлар ҳамда беморлар билан алоқада бўлиб, уй шароитида карантинга олинган шахсларнинг доимий тиббий назоратда бўлиши белгиланди. Уй шароитида даволанаётган беморлар ҳамда карантинга олинган шахсларга жойига чиққан ҳолда тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган мобил гуруҳлар ташкил этилади.

Ўз мухбиримиз

Келгуси сонларда ўқинг...

Тил мавқеи кимга боғлиқ?



Меҳнати керак, аммо хавфсизлиги-чи?

Тошкент вилояти



Ёзги соғломлаштириш

Болажон қувончи учун

Тошкент вилоятидаги 19 та соғломлаштириш оромгоҳида жорий мавсумда 3830 нафар бола дам олиши кўзда тутилган бўлиб, шундан 700 нафар сардобалик оилалар фарзандлари, 320

нафар вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда имконияти чекланган болалар имтиёзли тарзда хордиқ чиқариши режалаштирилган. Айна вақтда «Ниҳол» ҳамда Олмалик

кон-металлургия комбинатининг «Истиқлол» оромгоҳларида сирдарёлик болаларнинг 349 нафари ёзги таътилни маъроқли ўтказмоқда.

Ўз муҳбиримиз

Бухоро вилояти

Муҳим масалалар муҳокамаси



Бухоро давлат университети ходимлар ва талабалар бошланғич касаба уюшма кўмитасининг VII ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди.

Унда университет бошланғич касаба уюшма кўмитасининг 2015 йилнинг апрелидан ҳозиргача бўлган даврдаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Кўмита раиси Сиддиқ Қаҳҳоров айна шу муддат ичида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, ҳали ҳал этилиши кутилаётган масалалар ҳақида тўхталиб ўтди. Иштирокчилар кўмитанинг сўнги беш йил-

даги фаолияти хусусида илиқ фикрларни билдиришди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида бошланғич касаба уюшма кўмитаси таркиби ва кўмита раисини сайлаш масалалари ҳам кўрилди. Унга кўра, С.Қаҳҳоров кўпчиликнинг овози билан қайта сайланди.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Фаолиятга ҳолис баҳо

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Юртимизда ўрнатилган карантин шароитида жорий этилган тартиб-қоидаларга риоя қилинган ҳолда ташкил этилган конференцияда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Бахрилло Қодиров, Жиззах вилояти касаба уюшмалари

ташкilotлари бирлашмаси ташкилий бўлими мудир Икром Юнусов иштирок этди. Кун тартибига кўра, касаба уюшма кўмитасининг 2015 йил февралдан 2020 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Институт бошланғич касаба уюшма кўмитасининг беш йиллик фаолияти таҳлил этилди.

Касаба уюшмаси аъзолари институт иш берувчиси билан тузиладиган Жамоа шартномасига киритилган кўшимча имтиёзлар кўламини кенгайтириш борасида таклиф-мулоҳазалар билдиришди. Утган даврда амалга оширилган ишлар яхши баҳола-ниб, институт касаба уюшма кўмитаси раислигига бир овоздан Дилшод Очилов қайта сайланди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Юртимизда амалда бўлган карантин талаблари Сирдарё вилоятида ҳам давом эттирилмоқда. Бозорлардаги ҳолат, банк кассаларида навбатлар сийраклиги аҳоли орасида кўринмас «душман» борасида тушунча етарли эканини намоён қилмоқда. Бироқ, аҳолининг ўзига боғлиқ бўлмаган, меҳнат жараёни кечаётган муҳитларда ҳолат қай тарзда кечаётми?

Меҳнатингиз хавфсизми?

Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ходимлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва савдо корхона-муассасаларида жамоатчилик назоратини ўтказмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан шу кунгача 99 та ишлаб чиқариш корхонаси, 117 та қурилиш объекти, 22 та хизмат кўрсатиш ва 40 та савдо-сотиқ корхонасида ходимларнинг меҳнат шартлари ҳамда карантин талабларига риоя этилиши, шунингдек, меҳнат шартлари ўрганилди.

Баъзи корхоналарда ишчи-ходимлар махсус кийим, тиббий ниқоб ва зарарсизлантирувчи воситалар билан таъминлангани ҳолда, тана ҳароратини ўлчовчи пирометр ускунаси ва дезинфекция ишлари ташкил этилмагани иш берувчиларнинг меҳнат хавфсизлигига панжа орасидан қараётганини яққол сездириди. Бозорларга кириб келаётган барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ветеринария-санитария экспертизаси лабораториясида текширилиб, савдога рухсат берилмоқда. Савдо шохобчаларида эса ходимлар махсус кийимлар билан таъминлангани кузатилди.

Бу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий чоралар кўрилмоқда. Айтмоқчи бўлганимиз шунки, саломатлик ҳар биримиз учун муҳимдир. Унутманг, карантин қоидалари сиз ўзингизни вирусдан сақлаш учунгина эмас, балки бошқаларни ҳам ундан сақлашга хизмат қилади.

Шириной УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Меҳнат инспекциясининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Фарғона вилояти

Бепарволик касри

Пандемия сабабли аксарият корхона, ташкилот ва муассасалар, хизмат кўрсатувчи субъектлар ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган эди. Карантин талаблари босқичма-босқич юмшатишга эса ўларнинг қайта фаолият юритишига, ишлашига рухсат берилди. Фақат карантин қоидаларига тўлиқ амал қилиш шарти белгилаб қўйилди. Аммо бунинг айрим меҳнат жамоалари раҳбарлари нотўғри тушуниб ёки безътиборлик сабабми, карантин қоидаларини писанд қилмай, ўзи билганча иш юритиб келаётганига гувоҳ бўлдик.

Бу каби салбий ҳолатларга Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида тузилган ишчи гуруҳ вакиллари билан ўрганишлар давомида дуч келдик.

Фарғона шаҳрининг қоқ марказида жойлашган «Uztelecom» АКнинг Фарғона филиали Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғланмасига карантин талаблари тегишли эмасдай гўё. Муассасага киришда мижозларнинг қўллари антисептик воситалар билан зарарсизлантирилмаяпти. Бирорта кириб чиқувчининг тана ҳарорати ўлчанмаяпти. Кириш эшигига ўзбек ва рус тилларида «маскасиз кириш тақиқланади» ёзиб қўйилган бўлса-да, унга мижозлардан тортиб, шу ерда ишлаётган ходимларнинг ўзи ҳам амал қилаётгани йўқ. Ишчи-ходимларнинг кўпи тиббий ниқобсиз. Ниқобсиз мижозлар билан ниқобсиз ходимлар бемалол суҳбатлашапти. Ижтимоий масофа ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча...

Муассасадаги бу ҳолатга изоҳ сўраганимизда «Uztelecom» АК Фарғона филиали Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғланмаси бош муҳандиси Аслбек Бакиров антисептик воситалар вилоят бошқармасидан берилишини, айна пайтда тугаб қолганини маълум қилди.



Ходимлар ниқобсиз ишлаётгани ва мижозларнинг тана ҳарорати ўлчанмасдан ичкарига киритилаётгани ҳақидаги саволимизга тайинли жавоб ололмадик.

Муассасанинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳандиси Машраб Раҳимов эса «Бизга ҳеч ким карантинга сен жавобгарсан деб айтмаган. Қолаверса, антисептик воситалар ва тана ҳароратини ўлчаш асбоблари билан бошқарма таъминлайди. Агар бошқарма бу каби воситалар билан таъминламаса, биз нима қилайлик?» дея елка қисди.

Фарғона шаҳри Ўзбекистон овози кўчасидаги «Асл шифо» хусусий клиникасида бўлганимизда, бу ерга кириб



чиқувчиларнинг тана ҳарорати ўлчанмаётганига гувоҳ бўлдик. Бунинг сабабини шифохона ходими «тана ҳароратини ўлчаш асбоби бузилиб қолгани» билан изоҳлади.

Юртимизда иқтисодиёт, кичик бизнес ва тадбиркорлик тармоқларининг узлуксиз ишлаши таъминлаш, экспорт салоҳиятини тиклаш, айрим ижтимоий соҳалар, маиший ва хизмат кўрсатиш муассасалари, аҳоли даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида карантин чекловлари юмшатишнинг баъзи бир идора раҳбарлари, маъсуллари нотўғри талқин қилмоқда, дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат техника инспектори Мансур Ҳатамов. – Ўрганишлар мобайнида карантин қоидаларига амалга қилмаслик билан боғлиқ ҳолатлар кўп учрамоқда. Аслида, карантин қоидаларига амал қилиш ортиқча мушкул иш эмас. Бунинг ҳар бири киши тушуниб етиши керак. Шу боис ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда карантин қоидаларига амал қилмаган меҳнат жамоалари раҳбарлари билан суҳбатлар, тушунтириш ишлари ўтказамиз. Зеро, мақсадимиз кўринмас ёвга «бир ёқадан бош чиқариб» курашишдан иборат.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»



Жамоатчилик назорати

Самарқанд вилояти

Иқтисодий фаолияти тикланган корхоналарда карантин қоидаларига риоя этиш аҳволи қандай? Касаба уюшмалари ва ҳамкор ташкилотлар вакилларидан иборат жамоатчилик назорати гуруҳи вазиятга ҳолисона баҳо беришга интилиб келмоқда.

Қоидаларга риоя қилиш қийинми?

Ўтган ҳафтада 17594 нафар ходим меҳнат қилаётган 476 та корхона ва ташкилотларда карантин қоидаларининг бажарилиши ўрганилди. Таассуфланарлиси, ҳали ҳам айрим мутасаддилар фаолиятда ходимлар ва жамоатчилик тақдирига бефарқлик бор. Шароит тақозосига кўра, хавфсизлик туннеллари ўрнатилиши шарт бўлган 332 та меҳнат жамоасида бу масалага панжа орасидан қараб келинмоқда. Айниқса, фаолиятини вахта ва вахтасиз усулда ташкил этган ташкилотлар ходимлари саломатлиги юзасидан хавотирга тушмасдан илож йўқ. Бугунги кунда ётоқ услубида одамларни ишлатаётган 14 та ташкилот вақтинчалик яшаш жойларида шарт-шароит яратмаган. Бу ерларда шахсий гигиена талаблари у ёқда турсин, оддийгина ювинишга ҳам имкон йўқ. Шу чоққача ишчи гуруҳининг аралашуви билан 52 та ташкилотда ташкил этилган ётоқхона шартлари яхшиланди. Ходимларга риосоладагидек яшаш тарзи барпо қилмаганлар қатъий равишда огоҳлантирилди.

Карантин талабини бажаришда ҳар бир киши ўз шахсий масъулиятини намоён этиши лозим. Ўрганишлар жараёнида бугунги ҳолатдан ҳулоса чиқармаётганларга кўплаб дуч келинмоқда. Хусусан, вилоят тез тиббий ёрдам бўлимининг Тойлоқ тумани филиалида ана шундай ҳолатга дуч келдик. «Тез тиббий ёрдам» автомашинаси ҳайдовчиси тиббий ниқобдан фойдаланмасдан, махсус кийимсиз хизмат вазифини бажарётгани аниқланди. Ҳайдовчи, атрофдагиларга катта хавф туғдираётганини тушунтиришга бўлган уринишлар ҳам «хайф» кетди. Тойлоқ тумани ИИБнинг 420 сонли таянч пункти эшиги олдида хавфсизлик туннели ўрнатилмаган. Ҳаттоки, бирор турдаги дезинфекция воситалари ҳам мавжуд эмас. Ички ишлар идораси раҳбарларининг жамоатчилик назорати гуруҳининг бу талабини эшитишини ҳам истамаганини қандай баҳолаш мумкин? Ваҳоланки, бу ерга кунига кўплаб одамлар кириб чиқишайдими? Вазиятдан келиб чиқиб, ўрнатилган санитар талабларига риоя қилиш шунчалик қийинми? Наҳотки ўзимиз ва атрофдагиларни асраб-авайлашга ўрганишимиз мушкул бўлса?

Ўлугбек ҒАНИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Меҳнат инспекциясининг Самарқанд вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Қашқадарь вилояти

Камбағалликдан қутулиш имкони бор

Камбағаллик ишсизликдан, имконсизликдан келиб чиқади. Яна ишқ-маслик, дангасалик, боқимандалик каби иллатлар ҳам камбағалликнинг асосий сабабчилари ҳисобланади. Маҳалламизда ҳам камбағалликни тугатиш учун ҳаракатлар бошланган. Хонадонма-хонадон юриб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари, ишсиз фуқаролар билан бирма-бир сўхбатлашиб чиқдик. Аниқланган ҳолатлар бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Масалан, Бехзод Кенжаев – тўрт нафар боланинг отаси. Ичкиликка шунчалик ружу қўйгандики, ҳатто болалари учун бериладиган нафақа пулини ҳам шишага алмаштиради. Уйда жанжал бўлмаган кун йўқ, рўзгордан файз-у барака кетган эди. Қайта-қайта тушунтиришлари миз иш бермагач, участка нозири Жонибек Маҳмудов ва Бехзоднинг оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, уни Тошкент шаҳридаги шифохонада даволатиб келдик. Бехзодга яхши гапириб, уни маҳалладаги жамоат ишларига жалб қилдим. Озми, кўпми, маош белгиланди. – Сенинг бу юришинг яхши эмас. Ундан кўра, ишла, рўзгоринг, болаларингга тўрт-беш сўм пул олиб бор, – деб йўлга солдим. Барибир танбал одам бирдан меҳнатсевар бўлиб қолмас экан. «Яна, мен одамларнинг кўзича кўчанинг итгоғини чопаманми?», деб бошида бўйин эгмади. «Иш қилмасанг, давлат сенга бекордан-бекорга пул бермайди. Ишла, ишдан ҳам одам уяладими? Жуда уясанг, эрта тонгда туриб, одамлар уйдалигида ишла, кечки пайт салқинда ишла», деб Бех-

зодни ишга ўргатдим. Ҳозир ичмаёпти. 751 минг ойлик олиб, уйига у-бу нарса кўтариб борадиган бўлди.

Худуддаги тадбиркорлар билан биргаликда маҳаллада тикув цехлари, ҳар хил пишириқхоналар қуриб, кўплаб хотин-қизларни ишли, хунарли қиляпмиз.

Маҳалламизда кўп қаватли уйлар қуриляпти. Яқинда беш нафар ишсиз маҳаллодошимизни аниқлаб, уларни худуддаги ободонлаштириш юмушларига жалб қилдик. Айримларини қурилишга ишга жойлаштирдик. Ишляпти, бунинг ортидан ҳар ойда уларнинг оиласига ҳам бир ярим миллион сўмдан маблағ келадиган бўлди. Бунинг нимаси ёмон?

Бошқа бир мисол. Боқувчисини йўқотган Севара Хуррамованинг уч нафар боласи бор. Уйи анча эскириб, нураб қолган. Севаранинг ижтимоий аҳолини ҳисобга олиб, «Саховат ва кўмак» тадбирлари доирасида бир неча марта озик-овқат маҳсулотлари берилди. Маҳалладан моддий ёрдам ажратилди. Албатта, бу эътибор, инсонпарвар чора-тадбирлар беиз кетмади. Оиланинг ҳаётга қарашлари ўзгарди, янги умидлари



туғилди. Севара шу кунларда уйларини таъмирлатяпти, янги ошхона қуришни мўлжалляпти.

Барно Раҳмонова ҳам ишсиз эди. Уни тумандаги 3-сонли ўрта мактабга фаррош, турмуш ўртоғини эса қоровул сифатида ишга жойлаштиришга кўмаклашилди.

Боқувчисини йўқотган Севара ҳам бир қизи билан яшайди. Унинг оиласига ҳам маҳалла фуқаролар йиғини доимий равишда ёрдам кўрсатиб келмоқда. Яқинда Ирис опа пенсия ёшига етгани учун зарур ҳужжатларни тайёрлашга кўмаклашдик. Ҳозир пенсия оляпти. Ҳарна, рўзгорига ишлади. Бундан ташқари, она-бола бозорда савдо қилапти.

Президентимиз маҳаллалар ободлиги, оилалар фаровонлиги, бахтли ҳаёт тарзига

эришиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун улкан ислохотларни, бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тўқис тўлдирадиган чора-тадбирларни амалга татбиқ этётган экан, бу даъватлар, ҳаракатлар ҳар биримизнинг қалбимизга кўчиши керак. Яъни, кўзланган юксак мақсадларга етиш учун маҳалла фаоллари худуддаги ҳар бир фуқаро билан якка тартибда ишлаши зарур. Шундагина одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, давлат бераётган имтиёزلардан фойдаланади. Камбағал, чорасиз, боқиманда бўлиб эмас, аксинча, тадбирли бўлиб, ҳалол меҳнат қилиб, шунинг ортидан мазмулли умр кечиришга ўрганади.

Момосулов БЕРДИҚУЛОВА, Чирочки туманидаги «Чирочки» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Тошкент вилояти

Хуқуқ

Ходим ишга тикланди

Оҳангарон туманининг Чинор қишлоғида яшовчи фуқаро Қ.М. Тошкент вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси билан тузилган меҳнат шартномаси бошқарма тарафидан бекор қилинганидан норози бўлиб арз қилган эди.

Ушбу ариза Оҳангарон тумани адлия бўлимида ўрганиб чиқилди. Маълум бўлдики, фуқаро Қ.М.га бошқармада штат бирликлари қисқаргани муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида оғоҳлантириш хати берилмасдан, оғоҳлантириш мuddатига мувофиқ пуллик компенсация тўланган ҳолда бекор қилинган. Меҳнат кодексининг 102-моддаси 2-қисмида ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан оғоҳлантириш, унинг мuddатига мувофиқ пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Қолаверса, Меҳнат кодексининг 103-моддасида технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штат) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ишда қолдириш учун имтиёзли хуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга, малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда, қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга, оиласида ундан бўлак мустақил


О.ЁҚУБЖОНОВ, Урта чирчик тумани адлия бўлими бош маҳлаҳатчиси

Хоразм вилояти

Маърифат жилolari

Оддий аксиома: сиз бировга бирон нарса берсангиз, уни йўқотасиз. Олсангиз, бойийсиз. Аммо илм шундай мўъжизаки, берганингиз билан йўқотмайсиз, олсангиз бойийсиз.

Берилса-да, камаймас бойлик



Билим тўғрисида халқимизнинг жуда кўп мақол ва иборалари мавжуд. Билим олишнинг эрта-кечи бўлмайди, дейди доно халқимиз. «Илм олиш игна билан қудуқ қазилар», деб бекорга таъкидлабди. Илм чексиз олам, тубсиз қудуқ, у чек-чегарасиз, уни тўлиқ эгаллашга умр етмайди, керагини ўқиб илм соҳибининг маҳоратига, тажрибасига, сабр-тоқатига ва албатта, устоз-у муаллимлар кўрсатmalarига боғлиқдир.

Маърифатга эга бўлмай туриб мактанаш бу ҳолатдир. Шунинг учун донолар айтдики, илм эгарланган отдир, билганга дўст, билмаганга душмандир. Илми инсоннинг сўзи радон, аниқ ва тушунарли бўлади, илмсиз одамда ишонсизлик кучли бўлиб, нутқиди мавҳумлик кўпроқ бўлади. Жоҳил кимса аниқ бир манфаатни кўзлаб илм йўлида юрса-да,

Манфаатга эришганидан сўнг шу илмга содиқликни йўқотди, илмининг соф фазилатларини сохталаштириб, янги фойда сари одимлайди. Бундай инсонлардан барча йироқда юришни лозим деб билади. Юртимизда билимми бўлди. У чек-чегарасиз, уни тўлиқ эгаллашга умр етмайди, керагини ўқиб илм соҳибининг маҳоратига, тажрибасига, сабр-тоқатига ва албатта, устоз-у муаллимлар кўрсатmalarига боғлиқдир.

Маърифатга эга бўлмай туриб мактанаш бу ҳолатдир. Шунинг учун донолар айтдики, илм эгарланган отдир, билганга дўст, билмаганга душмандир.

Илми инсоннинг сўзи радон, аниқ ва тушунарли бўлади, илмсиз одамда ишонсизлик кучли бўлиб, нутқиди мавҳумлик кўпроқ бўлади. Жоҳил кимса аниқ бир манфаатни кўзлаб илм йўлида юрса-да,

Нефт-газ ва геология ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши ҳамда «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти билан касабга уюшма кўмитаси жамоалари «Шўртаннефтгаз» бошқармаси касабга уюшма кўмитаси бош ҳисобчиси Насиба Воҳидовага отаси

Низом ВОҲИДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

ГАДЖЕТЛАР ажнин сабабчиси(ми?)



Эксперт: Дилшод АСҚАРОВ, Тошкент шаҳар теританосил касалликлари диспансери бош шифокори ўринбосари, олий тоифали дерматолог

ва пигмент доғлар пайдо бўлади. Мазкур мовий нурлар телевизор, компьютер, мобил телефон ва бошқа гаджетлардан таралади. Ҳа, бу электроникалар кўз нурига зарар келтириш билан чекланмай, тери ҳолатига ҳам салбий таъсир ўтказар экан. Айниқса, смартфон, планшет, лэптоп, букридерлар терига яқин, туриши боис, зиён етказишга тезда улғуради ва фойдаланувчисига ахинларни пайдо қилади. Ушбу нур терининг эпидермал ва дермал ҳужайраларига тезда таъсир кўрсатади, ДНК тўқималарини зарарлаб, коллаген ва эластин мувозанатини бузади. Бу эса эрта қаришга олиб келади.

УЛЬТРАБИНАФША НУРДАН ХАВФЛИРОҚ Мовий нур терига ультрабинафша нурларига қараганда анча чуқур кириб боради ва тери ҳужайраларини мутацияга учратади. Оқибатда тери қаришни бошлади, бундан ташқари уйку сифати бузилади. HEV нурининг яна бир зарари – тери иммунитетини тушириш. Бу эса пигмент доғлар ва ажинлар учун шароит яратади. Мазкур нурнинг хавфлилиги шундаки, улар асоратини дарров кўрсатмайди. Масалан, ультрабинафша нурларининг зарари дарров кўришиб, тери куйяди, қораяди, пўст ташлади, доғ тушади, сепкил чиқади. Мовий нурлар эса терининг барьер функциясини кучсизлантириш билан шугулланиб, фото-зарар

кремлар таркибига мовий нурлардан асровчи компонентларни ҳам тўқисмоқда. Харид вақти таркиб ва таъсир бандига аҳамият қаратинг. Сиз учун қалит сўз: anti-pollution. Шунингдек, юз креми таркибиди полифенол ҳамда флавоноид моддалари терини хилт ва токсинлардан тозалаш қатори ДНК тўқима-

ларини ҳимоялайди ҳамда мовий нурларга қарши кураша олади. – Компьютердан фойдаланаётганда нури қайтарувчи кўзойнақдан фойдаланинг. Бу кўз атрофига ажин тушишдан ҳимоялайди. – Мобил телефонинг дисплейининг ёрқинлик даражасини пассивиринг. Ҳозирда смартфонлар учун махсус ойналар чиқарилган бўлиб, у мовий нурларни филтёрлай олади. – Телевизорга яқин ўтирманг, танафусларга риоя қилинг ва телевизорни кўрмаётган пайтингиз ўчириб қўйишни унутманг. – Планшет ва телефонлардан

ЗАРАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ – Айна HEV нурларидан ҳимояловчи махсус кремлар мавжуд. Ҳозирда атторлик махсулотлари ишлаб чиқарувчилар SPF

зарурат юзасидан фойдаланинг. Тунда, уйку олдида «телефон тиши» соғлиққа икки ҳисса зарар келтиради. Хусусан, HEV нурлар уйку гормони – мелатонин ишлаб чиқарилишига тўқинлик қилади. – Гаджетлардан матн ўқиш мақсадида кўп фойдалансангиз, шрифтни каттартириб соз-

лаб олинг. Майда шрифт гаджетни кўзга яқин олиб келишга мажбур қилади. – Интернетдан фойдаланиб бўлганингиздан сўнг «wi-fi» ни ўчириб қўйинг. – Компьютерда ишлашда ҳар 15 дақиқада танафуслар қилинг ва кўз машқларини бажаринг. – С витамини иммунитетни рағбатлантиришдан хабардор сиз. Бу тери иммунитетига ҳам таъаллуқли. С витаминига бой махсулотлар (цитрус мевалар, малина, дурмо, қовоқ, қарам, бўлгор қалампери, помидор, наъматақни) кўп истеъмол қилинг. Иш тақозосидан компьютер, планшет, телефонни кўп ишлашга мажбур бўлганда таблетка шаклидаги С витамини – аскорбин кислотасини шифокор тавсия этган дозаларда қабул қилишлари мақсадга мувофиқ.

Тери учун намлантирувчи муолажаларни олиб бординг. Бу борада гиалурон моддаси катта ёрдам бериб, сув мувозанатини тиклайди. Таркибиди гиалурон мавжуд крем ва никоблардан фойдаланишдан ташқари ушбу моддани озик-овқат-овқат махсулотларидан ҳам излашингиз мумкин. Помидор, картошка, лавлаги, узум, суякли гўшт, ўсимлик ёғи, қўқатлар гиалуронга бойдир. Ультрабинафша нурларидан сояга қочамиз, мовий нурлардан-чи? Бу сизнинг иродангиз ва ўзингизни назорат қилишингизга боғлиқ.

Дурдона АЛИМОВА тайерлади

Мутахассис фикри

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади! Савдога «Марғилон ҳақиқати» газетасига қарашли, «GM UZ NEXIA» русумли, д/р: 40568UAA бўлган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 30 083 000 (ўттиз миллион саксон уч минг) сўм. Аукцион савдоси 2020 йилнинг 10 август кунини соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосига талабномалар иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2020 йил 7 август соат 16:00. Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси 2020 йилнинг 10 август кунини савдога сотилмаган тақдирда тақририй савдолар 2020 йилнинг 21- ва 28 август кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини ол-

«ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Савдога «Асака банк» АТБ Бошқарув йиғилишининг 25.06.2020 йилдаги 209-сонли баённомаси қарори ҳамда «Асака банк» АТБ Сирдарё вилояти филиалининг буюртманомасига асосан, «Асака банк» АТБ Сирдарё вилояти филиалига тегишли бўлган, «J5750HZS35» русумли бетон қорини ускунаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 313 000 000 сўм. Очик аукцион савдолари 2020 йил 10 август кунини соат 11:00да бўлиб ўтади. Мазкур мулк билан сотувчининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Агарда ушбу аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2020 йил 17-, 24-, 31-август ва 8-, 15-, 22-, 29-сентябрь кунлари бўлиб ўтади. Савдо ҳолибига 5 (банк) иш кунини ичиди сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача (соат 13:00-14:00гача тушлик) қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдодан бир

Эълонлар Дурдона АЛИМОВА тайерлади

